

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН  
МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ (1945-1991 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук**

**Content of abstract of dissertation of doctor of sciences**

<b>Эрназаров Файзулло Нарзуллаевич</b> Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари (1945-1991йй.) .....	3
<b>Эрназаров Файзулло Нарзуллаевич</b> Культурные связи Узбекистана со странами Азии (1945-1991гг.) .....	31
<b>Ernazarov Fayzullo Narzullayevich</b> Cultural relations of Uzbekistan with Asian countries (1945-1991) .....	59
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН  
МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ (1945-1991 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. DSc / Tar105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ҳамидов Ҳожиақбар**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ражабов Қахрамон Кенжаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Ишанходжаева Замира Раимовна**  
тарих фанлари доктори

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)246-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.А. Маврулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э. Юнусова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**Г.А. Агзамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Маданий ҳамкорлик халқаро муносабатлар тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, у асрлар давомида давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келади. Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда ҳам маданий алоқалар давлатлар ва халқларни яқинлаштирувчи кўприк вазифасини ўтамоқда. Улар халқаро ҳамжамият хавфсизлигини сақлаш, дунё миқёсида диний ва миллий бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, турли маданиятларнинг ўзаро уйғунлигига эришиш орқали умумбашарий тамаддун барқарорлигини таъминлашнинг муҳим механизми сифатида амал қилмоқда.

Халқаро маданий алоқалар тарихида Ўзбекистон замини турли цивилизациялар туташган манзил, тинчлик, дўстлик ва маданият пойтахти вазифасини бажариб келган. Юртимиз маданияти жаҳон маданий меросида алоҳида ўрин эгаллаб, тарихий ривожланишнинг турли босқичларида Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, халқаро сиёсий майдонда Ўзбекистон «совет маданияти» тамойили асосида, шўро мафқурасини хорижда, айниқса, мусулмон Шарқида тарғиб этишнинг асосий воситаси вазифасини бажарди. Осиё мамлакатларида ташкил этилган театр, кино, рақс, кўшиқчилик ва мусиқа санъати намойишлари, спорт мусобақалари, сайёҳлик, халқаро кўрғазмалар ва маданият кунларининг ташкил этилиши турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатибгина қолмасдан, сиёсий алоқаларни ривожлантириш учун ҳам муҳим замин бўлиб хизмат қилди. Мазкур контекстда Ўзбекистоннинг ўрни бекиёс бўлгани умумэтироф этилган ҳақиқатдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳамжамият субъектлари билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишга киришилди. Шу аснода Ўзбекистоннинг дунёнинг барча давлатлари билан маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш<sup>1</sup> борасида қабул қилган ҳужжатлари аҳамиятини таъкидлаш ўринли. Мазкур соҳаларда халқимизнинг тарихий тажрибаси ва ҳиссасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бундай ёндашув давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий ва бошқа муносабатларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг самарадорлигини оширади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари тарихини ўрганиш мамлакатимиз манфаатларини халқаро миқёсда рўёбга чиқаришга амалий ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи ва «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналишда мазкур масала алоҳида қайд этилади. Қаранг: <http://strategy.regulation.gov.uz>

таъбири билан айтганда, ...ўзбек халқининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билмаса, уларни юрагидан ўтказмаса, қандай қилиб Ўзбекистонни дунёга танитиши мумкин<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш» тўғрисида, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича кўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 15 августдаги ПҚ-3212-сон «Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон «Ўзбекистон бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Собиқ совет иттифоқининг халқаро муносабатлардаги сиёсати, хусусан, Осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар билан маданий ва дипломатик алоқалари, айниқса, мусиқа, кино, спорт, санъат соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлиги тарихи жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Осиё маданияти тадқиқотлари институти (Asian Cultures Research Institute), Халқаро христиан университети Осиё маданиятини ўрганиш институти (Institute of Asian Cultural Studies at the International Christian University), халқаро муносабатларни ўрганиш Токио университети қошидаги Осиё ва Африка маданияти ва тилини ўрганиш

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 11 январда Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. - Халқ сўзи. 2018 йил 12 январь.

<sup>3</sup> <https://www.wilsoncenter.org/>, <https://www.ucis.pitt.edu/>, <https://www.toyo.ac.jp/site/acri/>, <http://craas-areastudies.in/areastudies/>, <http://fsi.stanford.edu/>, <http://www.iacd.or.kr/>, <http://subsite.icu.ac.jp/research/iacs-en/>, <http://www.iaas.msu.ru/index.php/ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <http://www.uzhistory.uz/>, <http://www.ifes-ras.ru/>, <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://www.soas.ac.uk/>, <https://www.cambridge-centralasia.org/>, <https://www.oeaw.ac.at/iran/>, <https://www.gwu.edu/>, <https://uzhistory/uz>

тадқиқот институти (Research Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa at the Tokyo University of Foreign Studies), Осиё маданиятни ривожлантириш институти (Institute of Asian Culture and Development), Осиё маданиятини тадқиқ этиш институти (Asia Culture Research Institute (Жанубий Корея), В.Вильсон халқаро тадқиқот маркази (Woodrow Wilson International center for scholars, Washington), Стэнфорд халқаро муносабатларни ўрганувчи етакчи тадқиқот университети (Stanford Universities premier research institute for the study of International Affairs, USA), Питтсбург халқаро алоқаларни ўрганиш маркази (Center for International Studies University of Pittsburgh), Ҳиндистондаги Ж.Нехру университети Марказий Осиёни тадқиқ этиш халқаро муносабатлар маркази (Central Asian Studies, School of International Studies, Jawaharlal Nehru University), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти ҳамда Москва давлат университети Осиё ва Африкани ўрганиш институтида олиб борилмоқда.

1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари тарихи бўйича хориж тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида, жумладан, куйидаги қатор илмий натижалар олинган: совет даврида миллий республикалар, хусусан, Ўзбекистон маданиятига коммунистик мафқуранинг кучли сиёсий таъсири даражаси очиқ берилган (The School of Oriental and African Studies (SOAS) University of Cambridge, Англия); Осиё қитъаси халқлари маданий ҳаётидаги ўзгаришларга совет давлатининг байналмилалликка асосланган муносабати ва маданий алоқаларда социализм ғояларини сингдириш мақсади ёритилган (Institute of European, Russian and Eurasian studies (IERES), АҚШ); совет сиёсатининг Ўзбекистон халқлари маънавий ҳаётига салбий таъсири жамият тафаккуридаги ўзгаришларга сабаб бўлганлиги илмий асосланган (Austrian Academy of Sciences Institute of Iranian Studies, Австрия).

Бугунги кунда собиқ совет республикаларининг халқаро маданий алоқалари тарихига бағишланган изланишлар, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсоният цивилизацияси ва унда маданий омиллар таъсирининг ортиб бориш тенденцияларини глобал ва регионал нуқтаи назардан ёритиб бериш; Осиё маданияти тараққиётида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва аҳамиятини янада оширишнинг самарали механизмини такомиллаштириш йўллари ҳамда имкониятларини таҳлил қилиш; мамлакатимизда ҳозирги даврда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг маданий жараёнлар ва бу соҳадаги халқаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ижобий таъсири сабабларини ёритиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари масалалари, жумладан, маданий алоқалари тарихи, ижтимоий-сиёсий муҳим бир тармоқ сифатида, доимий равишда тарихчи, маданиятшунос, этнограф ва бошқа жамиятшунос олимларнинг эътиборини

ўзига жалб қилиб келган. Бу борадаги тадқиқотларни тарихшуносликнинг янги концептуал-услубий ёндошувлардан келиб чиққан ҳолда, даврий ва муммовий тамойиллар асосида, куйидаги иккита гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, уларни совет ҳокимияти йилларида яратилган адабиётлар ҳамда мустақиллик даврида ўрганилган тадқиқотларга ажратиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу тадқиқотларнинг асосий негизида 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, жумладан, СССР ФА Ўзбекистон филиалининг Тил, адабиёт ва тарих институти қошида Ўзбекистон ССР ФАнинг Тарих ва археология институти (1970 йилдан Тарих институти) ташкил этилиши ётади<sup>4</sup>.

Биринчи гуруҳга оид адабиётларда Ўзбекистоннинг маданий алоқалари собиқ Иттифоқ халқаро алоқаларининг бир бўлаги сифатида талқин қилинган. Бунда асосий эътиборни социализм ғалабаси ва унинг халқаро майдондаги тарғибот ишларига қаратилган. Муаллифлар томонидан тадқиқот натижалари ўлароқ, ҳукмрон партия сиёсатини ифода этувчи хулосалар ишлаб чиқилган.

Мазкур даврда яратилган айрим тадқиқотларда маданий алоқалар ва унда Иттифоқ республикаларининг иштироки, давлатнинг бу соҳадаги сиёсати муайян даражада тадқиқ қилинган. Жумладан, айрим тадқиқотларда Совет Иттифоқининг социалистик давлатлар билан халқаро муносабатлари ва маданий алоқалари, совет-мўғул, совет-хитой, совет-афғон жамиятларининг фаолияти таҳлил қилинган<sup>5</sup>. Уларда мазкур жараёнлар совет давлатининг ютуғи сифатида кўрсатилиб, ғоявий қарашлар асосида ёритилган бир томонлама ёндашувлар кузатилади.

Хориж тарихшунослигида яратилган тадқиқотларда эса ушбу жараёнда давлатнинг иштироки фақат совет давлатининг ташвиқоти эканлиги фактлар асосида очиқ берилади<sup>6</sup>. Жумладан, Б.Фредерик асарларида совет давлатининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги ташқи сиёсати, давлат мафкураси асосида маданий муносабатларнинг тартибга солиниши, санъат ва

---

<sup>4</sup> Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Учта китоб. 2-китоб (1793 – 1960 й.). Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: «O'zbekiston», 2015. –Б. 209.

<sup>5</sup> Кашлев Ю. Культурные связи: важный фактор разрядки.-М., 1976.-191 с.; Сааков Р.Р. Международное движение общественности за дружбу и культурные связи с СССР. М.,-1975.-64 с.; Шпилев Е.П. Дружба не знает границ. М.,-1983.-104 с.; Деятельность обществ дружбы с СССР в странах социалистического содружества.-Киев,-1987.-239 с.; История советско-монгольских отношений. – М.: Наука, 1981. – 352 с.; Ананьев М. Международный туризм и его развитие после Второй мировой войны. М.: Внешторгиздат.-1966.; Советская культура в реконструктивный период. 1928-1941 гг./Отв. ред. М.П.Ким. - М., 1988. 535 с.; Кашлев Ю.Б. Международное сотрудничество и культурные связи. -М., 1975; Романовский С.К. Международные научные и культурные связи. - М., 1966; Ходжаев А.М. Международные связи: тенденции и особенности. - Ташкент, 1984; Иоффе А.Е. Деятельность зарубежных обществ дружбы с Советским Союзом // Вопросы истории, 1966, №3, С.15-30.; Зак Л.М. К проблеме культурных связей СССР.-М., 1987, С.221-235.; Теплинский Л.Б. СССР и Афганистан. 1918-1981.-М., 1982.-294 с.; Дворниченко В.В. Туризм в СССР и деятельность советских профсоюзов по его развитию (1917-1984 гг.).-М., 1985.-158 с.

<sup>6</sup> Frederick C.Barghoorn, Paul W.Frierich. Cultural Relations and Soviet Foreign Policy // World Politics. Vol.8, Issue 3. April 1956. P. 323-344.; Blumeng RIL. Organizations In Contemporary Society, N.Y.,1987; Barghoorn Fred.C. The Soviet Cultural Offensive. The Role Of Cultural Diplomacy In Soviet Foreign Policy. - New Jersey, 1960; Barghoorn Fred.C. Soviet Foreign Propaganda. - New Jersey, 1962; Barghoorn Fred.C. Politics In the USSR. - Boston, 1972.; Barghoorn Fred.C. The Soviet Cultural Offensive. The Role Of Cultural Diplomacy In Soviet Foreign Policy. - New Jersey, 1960, p.31.

маданият намуналарининг совет маданиятининг тарғиботига хизмат қилганлиги таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрича, маданий ҳамкорлик муносабатлари давлат назоратига олинган бўлиб, маданий тарғиботга жалб қилинган ҳар бир тадбир ёки фаолият давлат манфаати учун хизмат қилиши белгиланган<sup>7</sup>.

Бундан фарқли равишда, Ҳ.Зияевнинг тадқиқотида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари мисолида тарихий жараёнларда ўзбек маданий меросининг давлатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларининг тобора яқинлашуви ва мустақамланишига хизмат қилгани, бундай мулоқот шакли умумжаҳон маданиятининг гуллаб яшнашига ҳиссасини қўшгани қайд этилади<sup>8</sup>.

Иккинчи гуруҳга оид адабиётлар сирасига холислик ва тарихийлик тамойилларига асосланган, мустақиллик даврида чоп этилган илмий адабиётлар, мақола ва тадқиқий материаллар киради. Бу гуруҳга тегишли адабиётларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда мавзунинг айрим қирраларига оид масалалар муайян даражада замонавий ёндашувлар ва холисона фикрлар, асосли илмий хулосалар тарзида баён этилади. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг турли жиҳатлари: ижтимоий ва сиёсий хусусиятлари, ижтимоий-сиёсий ва маданий шакллари ҳамда ташқи сиёсатдаги миллий, ҳудудий, глобал қизиқишлари кенг қамровли ёритиб берилиб, маданий алоқаларнинг тарихий ривожланиши ва бугунги кунда мазкур соҳага таъсир қиладиган омиллар кўрсатилган. Хусусан, Қ.К. Ражабов бошчилигида Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг муҳим саналари энг қадимги даврлардан бугунги кунгача ёритилган китоблар чоп этилганлиги мавзунинг ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг Х.Бекмуратов билан ҳамкорликда яратган монографияси Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалаларини ёритган<sup>9</sup>.

Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг бир қатор хориж мамлакатлари билан ўрнатилган алоқалари, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши ва муаммолари кўплаб асарларда таҳлил қилинади. Жумладан, Э.З. Нуриддинов ва М.А. Рахимов тадқиқотларида халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистоннинг тарихий ўрни ва халқаро ҳамкорликдаги роли ёритилади. Тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистон ҳудуди қадимдан савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар учун

<sup>7</sup> Frederick C. Barghoorn, Soviet Cultural Diplomacy since Stalin // Russian Review, vol. 17, no. 1 (Jan. 1958). – P.41–55.; Frederick C. Barghoorn, Paul W. Frierich. Cultural Relations and Soviet Foreign Policy // World Politics. Vol.8, Issue 3. April 1956. P. 323-344.; Frederick C. Barghoorn. The Soviet cultural offensive: The role of cultural diplomacy in Soviet foreign policy, Westport, Conn.: Greenwood Press, 1976, – 196 p.

<sup>8</sup> Зияев Ҳ. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари (1960-1980 йй.) - Тошкент: Фан, 1985. - 56 б.

<sup>9</sup> Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашри. –Тошкент: «O'zbekiston», 2015. – 480 бет; Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Учта китоб. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: «O'zbekiston», 2015. 1-китоб (Энг қадимги даврлардан 1795 йилгача). – 288 бет; 2-китоб (1795 – 1960 йй.). – 288 бет; 3-китоб (1961 – 2015 йй.). – 304 бет; Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. –Тошкент: «Tafakkur», 2017. – 168 бет.

қулай географик муҳит бўлганлиги, совет даврида ўзбек халқи маданияти давлатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилгани тарихий мисоллар ёрдамида очиб берилган<sup>10</sup>.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан халқаро, илмий-технавий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиш масалалари А.Қирғизбоев<sup>11</sup> томонидан тадқиқ этилган бўлиб, унда Осиё давлатлари билан маданий алоқалар тарихига доир қисқа маълумотлар келтирилади. Х. Бекмуратов<sup>12</sup> эса ўз диссертация тадқиқотида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихини ўрганган. Шунингдек, 2016 йил октябрь ойида Санкт-Петербург (Россия Федерацияси)да ўтказилган халқаро илмий конференция<sup>13</sup> СССРда 1920-1959 йиллардаги маданият ва ҳокимият масалаларини ёритишга бағишланди.

Хориж тадқиқотларида совет давлатининг ташқи сиёсати назарий масалалари, Осиё мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Хитой билан олиб борган алоқалари, спорт ва маданиятнинг дипломатияда тутган ўрни, маданий алоқалар мисолида республикаларда бу жараёндаги мавжуд ҳолат тадқиқ қилинган. Хусусан, С.Дьяконов асарида «совуқ уруш» йилларида маданий ҳаётни тарғиб этиш жараёнида кино санъатининг аҳамияти ёритиб берилган.<sup>14</sup> Ш.Ақийлдилов эса айнан Ўзбекистон мисолида 1945-1991 йилларда давлатнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги сиёсати ҳамда унинг халқаро муносабатлардаги аҳамиятини таҳлил қилган. Ўзбек спортчиларининг Осиё мамлакатлари спортчилари билан ҳамкорлиги факт ва маълумотлар асосида очиб берилган<sup>15</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган. Унинг айрим хулосаларидан «Глобаллашув жараёнида маънавий ахлоқий таҳдидларнинг намоён бўлиш хусусиятлари» ҳамда «Глобаллашув шароитида фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг фалсафий масалалари» деб номланган илмий лойиҳаларда фойдаланилган.

<sup>10</sup> Нуриддинов Э.Р. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие, проблемы: Дисс...док. ист. наук. – Ташкент, 2000.; Рахимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010 гг.): Автореф. доктор. ист. наук.... – Ташкент, 2012. – 47 с.

<sup>11</sup> Қирғизбоев А.К. Научно-технической и культурное сотрудничество Узбекистана со странами Азии в 80-е годы. Автореф. дисс... канд.ист.наук.-Т.,1991г. Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё давлатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Тарих фан. докт. ... дисс. ЎзРФА Тарих институти. – Тошкент, 2004. – 278 б.

<sup>12</sup> Бекмуратов Х.И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991 – 2000 й.). Тарих фанлари номзоди дисс...автореферати. –Тошкент, 2001. – 29 бет.

<sup>13</sup> Культура и власть в СССР. 1920 – 1950-е годы. Материалы IX международной научной конференции. Санкт-Петербург, 24 – 26 октября 2016 г. –Москва: РОССПЭН – Ельцин Центр, 2017. – 744 стр.

<sup>14</sup> Dyakonov S. Soviet cultural diplomacy in India, 1955-1963.Unpublished Master of Arts (History) thesis at Concordia University Montreal, Quebec, Canada. April 2015. P.90.

<sup>15</sup> Sevkety Akyildiz. Olympic Culture in Soviet Uzbekistan 1951-1991: International Prestige and Local Heroes // The SOAS Journal of Graduate Research, Vol. 3, March 2011. P.1-16.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг Осиё давлатлар билан 1945-1991 йиллар давомида маданий соҳада олиб борган ҳамкорлик фаолияти, бу соҳадаги жараёнларни ҳар томонлама ёритишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли жиҳатларига доир илмий-назарий ёндашувларни танқидий ўрганиш;

даврий ретроспективада Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалари генезисини ўрганиш, мазкур ҳамкорликнинг динамикасини аниқлаш;

тадқиқ этилаётган даврда совет давлатининг ташқи сиёсати, маданий алоқалар билан боғлиқ фаолияти, бу жараёнда Ўзбекистоннинг тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Осиё давлатлари билан олиб борилган маданий алоқаларнинг асосий мақсади Совет мамлакати мафкурасини тарғиб этиш бўлганини исботлаш;

миллий республикалар, жумладан Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқаларини ташкил этиш асосида «совет маданияти»ни хорижда тарғиб этиш, совет ҳокимиятининг миллий маданиятлар «ривождаги улуши»ни кўрсатиб бериш;

Ўзбекистоннинг театр, кино, мусиқа, кўшиқчилик ва рақс санъати, туризм ва спорт соҳасида олиб борган маданий алоқалари мисолида миллий маданиятлар алмашинуви ва ривожига кўшган ҳиссасини жаҳон маданияти контекстида тадқиқ этиш;

совет давлатининг халқаро маданий алоқаларида «совет маданияти», «совет кишиси», «шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналмилал маданият», «СССР – умумий уйимиз» каби сохта мафкуравий тушунчаларни миллий республикалар халқлари ижтимоий онгига сингдириш орқали Совет Иттифоқининг халқаро нуфузини оширишга қаратилган сиёсати моҳиятини танқидий ўрганиш;

диссертацияда қамраб олинган даврда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги сиёсий мавқеини ўрганиш асосида тўпланган тажрибани умумлаштириш, бундай ҳамкорликнинг бугунги кунда республиканинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро маданий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга ёрдам бериши бўйича аниқ таклиф ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари, улар билан ҳамкорликдаги фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни белгилаб олинган хронологик даврда совет ҳокимиятининг маданий ҳаёт соҳасида олиб борган сиёсати доирасида Ўзбекистоннинг маданий алоқалардаги ўрни ҳамда Осиё давлатлари билан маданий алоқаларида ўзини намоён этган тенденциялар ва ўзига хос жиҳатлари ёритилган масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмийлик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёслаш, умумлаштириш, тизимли ёндашув ва холислик каби тадқиқот методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«ягона совет маданияти»ни собиқ иттифоқ халқлари учун умуммиллий маданият даражасига кўтариш сиёсатининг моҳияти очиб берилган;

собиқ иттифоқнинг маданият соҳасидаги сиёсатида «социализмнинг афзаллиги» ва социалистик тизимнинг «инсонпарварлик» моҳиятини халқаро миқёсда тарғиб қилиш ҳамда «совуқ уруш» муҳитини юмшатиш мақсадида маданий алоқалардан таъсирчан механизм сифатида фойдаланилгани очиб берилган;

халқимизга хос миллий маданиятнинг халқаро тарғиботи натижалари, унинг дунё халқлари билан дўстлик ва маданий ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро туризм ва спорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдаги ўрни очиб берилган;

халқимиз орасидан етишиб чиққан таниқли маданият ва санъат намояндаларининг Осиё мамлакатларида Ўзбекистон нуфузини ошишига кўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган;

совет даври маданий сиёсатида асосий ўрин собиқ иттифоқ пайтида барпо этилган объектлар тарғиботига қаратилган бўлиб, совет давлати таркибига кирган бошқа халқлар каби, ўзбек халқининг ҳам умумжаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссасини кўрсатадиган моддий ва номоддий маданий объектлар аҳамиятининг камситилгани сабаблари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда қўллаш ва фойдаланиш мумкин бўлган ҳамда жаҳон дипломатиясида эътироф этилган назарий-услубий ёндашувлар ўрганилган;

коммунистик мафкура шароитида Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларида шаклан миллий, мазмунан социалистик ғояни тарғиб қилишда совет давлатининг маданий алоқалардан фойдаланиш тактикаси очиб берилган;

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан маданий алоқаларини янада ривожлантириш, унинг натижадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва хулосаларнинг қўлланилгани, кўп турдаги архив ҳужжатлари, тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундаки, у совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан

халқаро маданий алоқаларига доир мавзунини ҳали ўрганилмаган тарихий фактлар, архив маълумотлари, статистик далиллар ва хулосалар билан тўлдиради. Ишнинг асосий хулоса ва тавсиялари ушбу йўналишдаги ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини такомиллаштиришда, Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни олиб бориш ва унинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган режаларни амалга оширишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари тўғрисидаги маълумотлардан халқаро муносабатларда иштирок этувчи вазирликлар, элчихоналар, чет эл ваколатхоналари, хориж билан фаолият юритувчи турли кўшма корхоналар, маданий марказлар кенг тарзда фойдаланиши мумкин. Шунингдек, тадқиқотдаги илмий маълумотлар, назарий таҳлил ва умумлашмалар, тавсиялардан Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан маданий муносабатларида фойдаланиш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолияти тарихига доир умумлаштирилган илмий ишларда, олий таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи», «Халқаро муносабатлар», «Маданиятшунослик» фанидан турли дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда ҳамда ушбу йўналиш бўйича махсус курслар ўқитилишида мазкур тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқаларига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Совет ҳукуматининг маданий алоқалар соҳасида амалга оширган сиёсати таъсирида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган тадқиқот хулосаларидан, йиғилган статистик материаллар ҳамда архив ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси томонидан ўтказилган тадбир дастурларида фойдаланилган. (Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитасининг 01-09-679-сон маълумотномаси). Бу Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган бешинчи усутвор йўналиш – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилган.

Халқаро маданий алоқаларда Ўзбекистоннинг театр-томоша санъати намоишлари, кино санъатининг аҳамияти, халқаро кўргазмаларнинг ташкил этилиши ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган халқаро танлов ва фестиваллар ҳамда маданият кунларига бағишланган тадбирларда фойдаланилган. (Маданият вазирлигининг 23-04-18-сон маълумотномаси). Бу маданиятимиз тарихини

янада бойитган, уни халқаро миқёсдаги мавқеини оширган ҳамда ёшлар маънавиятини юксалишига хисса қўшган.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан маданий алоқаларини йўлга қўйишдаги тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш бўйича диссертация натижаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Халқаро туризм факультетидаги «Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил этиш ва бошқариш) бакалавр таълим йўналиши учун тайёрланган Давлат таълим стандарти, малака талабларини яратишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-1257-сон маълумотномаси). Бу ёшларнинг Ўзбекистоннинг бугунги кундаги халқаро майдонга чиқиши, халқаро маданий алоқалари тарихига оид билимларини янада бойитишга хизмат қилган.

Совет давлатининг Осиё давлатлари билан маданий алоқаларида Ўзбекистоннинг ўрни, «Халқаро маданий алоқалар» тушунчасининг назарий асослари ва амалий хусусиятлари ҳақидаги натижалардан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қайта нашрга тайёрланаётган «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»ни ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 05-1005-сон маълумотномаси). Диссертациядаги асосий назарий мулоҳаза ва хулосалардан фойдаланиш ўрганилган давр маданияти бўйича ўқувчиларда кенг китобхонлар оммасини Ватанга бўлган меҳрини янада оширишга хисса қўшган.

Ўзбекистоннинг яқин кўшнилар билан дўстлик алоқаларини ўрнатишида, хавфсизлик, барқарорлик муҳитини шакллантиришида, Осиё давлатлари билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришда диссертациядаги халқаро нуфузни оширишга доир илгари сурилган назарий-амалий таклифлардан Республика маънавият ва маърифат марказининг иш режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 02/09-537-18-сон маълумотномаси). Натижалар доирасида ишлаб чиқилган услубий тавсия ҳамда монографиялар кенг китобхонлар оммасини Осиё давлатлари билан маданий алоқалар ҳақида тушунчага эга бўлишига имкон берган.

Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқаларида маданият дарғаларининг иштироки, жисмоний тарбия ва спортнинг халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда тутган ўрни ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан яратилган «Жаҳон фалсафаси қомуси» номли йирик фундаментал энциклопедияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамиятининг 6-сон маълумотномаси). Унда хориж ва маҳаллий адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили асосида маданий алоқалар назариясига доир илмий ёндошувлар, муммонинг фалсафий жиҳатларига доир қарашлар бўйича хулосалар берилган.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмишдаги халқаро муносабатлари, хусусан, туризмни ривожлантириш юзасидан олиб борилган тадбирлар ва унинг

натижалари Ўзбекистон МТРКнинг «Сухбатдош» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (МТРКнинг 01-14-405-сон маълумотномаси). Кўрсатувда фойдаланилган асосий илмий хулосалар ёшларнинг, қолаверса халқимизнинг ватанга бўлган ишончи ва меҳрини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари асосида олинган хулосалар диссертантнинг қуйидаги хориж ва республика миқёсидаги конференциялардаги, илмий анжуманлардаги маърузаларида ўз аксини топган: «Развитие туризма в период экономического кризиса» (Украина, 2010 йил апрель), «Халқаро муносабатлар янги тизимининг шаклланиши ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштироки» (Тошкент, 2010), «Tourism for Development a strategic approach: Dehli-2012» (Dehli, 2012), «Transforming and Managing Destinations: Tourism and Leisure in Time of Global Change and Risks» Germany-2012 (Universitat Trier, 2012), «Eleventh biennial Conference on entrepreneurship». Entrepreneurship development institute of India (Ahmedabad, India, February 18-20, 2015), «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик» (Тошкент, 2012 йил июнь), «Образование и воспитание молодежи-фундамент благополучия и процветания жизни» (Тошкент, 2013 йил апрель), «Бағрикенглик – ўзаро ишончни ривожлантиришнинг воситаси сифатида» (Тошкент, 2018 йил май).

Шунингдек, халқаро туризмнинг жаҳон мамлакатлари орасида маданиятни тарғиб қилишдаги аҳамияти, жумладан, мазкур жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки бўйича маълумотлардан Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Халқаро туризм» факультети талабалари учун маъруза матнлари тайёрлашда қўлланилган (07-1428-сон маълумотнома). Мазкур маъруза матнидан Тошкент давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида ташкил этилган маъруза дарсларида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 2 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация матни кириш, тўртта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 265 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва уни ўрганиш зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, усуллари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, нашр этилган ишлар апробацияси бўйича маълумотлар рўйхати, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларини ўрганишнинг илмий-назарий масалалари ва тарихий илдизлари**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг назарий жиҳатлари ўрганилган, хусусан, «халқаро маданий алоқалар» тушунчасининг илмий талқини, маданий алоқаларнинг инсоният цивилизацияси ва давлатлараро муносабатлардаги ўрни, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, мазкур сиёсатда белгиланган стратегия, Осиё мамлакатлари билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар, СССРда олиб борилган маданий алоқаларда миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг ўрни, хорижий давлатлар билан олиб борилган алоқаларда мафкуравий қарашларнинг аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, ўрганилаётган мавзуда цивилизация ёндашув илмий концепциясини қўллаш ёрдамида ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи, тўплаган тажрибалари таҳлил этилиб, муаммонинг барча қирраларини янгича баҳолаш мезони асосида очиб беришга ҳаракат қилинди<sup>16</sup>.

Ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожланишининг дастлабки босқичларида маданиятни айнан маънавий фаолият соҳаси сифатида тушуниш устуворлик касб этган бўлса, XX асрнинг бошларига келиб, маданий алоқалар тушунчаси бир мунча кенгроқ маънода давлатлараро муносабатлар натижасида юзага келган ижтимоий маданий жараёнларга нисбатан қўллана бошланди. Дунё халқларининг тарихий тажрибасидан маълумки, халқларнинг ўзаро яқинлашиб бориши, илмий-техник тараққиёт, маорифни ривожлантиришга бўлган ҳаракатнинг кучайиши, халқаро меҳнат тақсимооти ва бошқа бир қатор омиллар миллий давлатлар доирасида ҳам, бутун жаҳон миқёсида ҳам байналмилал маданиятнинг вужудга келиши учун зарурий шарт-шароитларни яратди<sup>17</sup>.

Диссертацияда бунга хос тенденциялардан бири – маданиятнинг ўзаро бойишига, тараққиётга ёрдам берувчи, унинг тобора кенгайиб, қулоч ёзиб боришига кўмаклашувчи изчил жараёнларнинг кучайиб бораётганлигига

<sup>16</sup> Қаранг: Пушкина Ю., Шельнова Н., Мирожникова Д.и др. Культурология. – М., 2008. – С. 160-174.; Энно де Нолфо. История международных отношений (1918-1999 гг.): В 2-х томах. Т.1.М., 2003. 592 с.

<sup>17</sup> Мареева Е. Культурология. Теория и история культуры. – М.: Наука, 2008. – С.150.; Фокин В.И. Формирование содержания понятий «Внешняя культурная политика» и «культурная дипломатия» международной деятельности современных государств // Вестник Санкт-Петербургского университета. 2003. Сер.6, вып.2 (№14) С.125-129.

алоҳида аҳамият берилган. Бу борада мутахассислар фикрига таяниб, Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги ва бошқа давлатлар билан амалга оширган маданий алоқаларида турмуш тарзи маданияти билан узвий алоқадорлик тамойили муҳим аҳамият касб этгани таъкидланади. Зеро, турли халқлар ўртасидаги ҳамкорлик тамойилининг асосини халқ маънавияти ташкил этади. Ўтмишда ва ҳозирги кунда ҳам турли халқлар ўзаро маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга, инсоният тамаддунига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қиладилар, бир-бирига тобора яқинлашишга интиладилар<sup>18</sup>.

Тарихий манбаларнинг илмий таҳлили натижаларига асосланиб таъкидлаш мумкинки, давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик тарихи мамлакатларнинг тобора яқинлашуви ва бу ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши жараёнида улар ўртасида қарор топган халқ дипломатияси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у миллий келиб чиқиши ва динидан қатъи назар, инсонпарварлик ғоялари асосига таянган ҳолда юзага чиқди<sup>19</sup>. Зотан, иқтисодий алоқалар халқларнинг моддий юксалиши доирасида муҳим роль ўйнаган бўлса, маданий алоқалар халқларнинг маънавий юксалиши орқали давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши йўлида муҳим асос бўлиб хизмат қилган<sup>20</sup>. Асрлар давомида синалган бундай мулоқот шакли юқорида таъкидлаб ўтилганидек, умумжаҳон маданиятининг гуллаб-яшнаши, яъни жаҳон цивилизациясининг муҳим қирралари учун муносиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг 1945-1991 йилларда Осиё мамлакатлари билан олиб борган маданий алоқаларининг кўлами СССР ва жаҳонда рўй берган туб ўзгаришларга бевосита боғлиқ бўлган. Иккинчи жаҳон урушининг тугаши, Совет Иттифоқининг ғалабаси натижасида Шарқий Европадаги қатор давлатларнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олишлари, Осиё ва Африкада миллий-озодлик ҳаракатларининг кучайиши туфайли мустақил давлатларнинг ташкил топиши ҳамда жаҳон социализм тизимининг халқаро майдонда нуфузининг ошиб бориши каби омиллар Совет Иттифоқининг халқаро маданий алоқалари мазмунининг ўзгаришига таъсир этмасдан қолмади.

Диссертацияда Совет Иттифоқининг бу соҳада қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тактикаси ишлаб чиқилгани кўрсатилган:

миллий ўзликни англаш жараёни бошланишининг олдини олиш мақсадида миллий республикаларга ташқи давлатлар билан маданий алоқаларни ўрнатишга бирмунча кенгроқ имконият берилган;

<sup>18</sup> Абдурахимов Б. Художественная культура Узбекистана: XX век. – Ташкент: Узбекистон, 2000. 180 с.

<sup>19</sup> Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан. – Ташкент: Фан, 2007. 208 с.

<sup>20</sup> Шарапова С.Ш. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторические и социальные факторы. – Т.: Адолат, 2000. 177 с.

ташқи маданий алоқаларда шаклан миллий, мазмунан социалистик ғояни, социализмга ўтишда «таракқиётнинг нокапиталистик йўли» концепциясининг мазмун моҳиятини тарғиб қилишда миллий республикалар фаоллигини ошира бориш стратегияси қўлланилган;

совет ҳукумати юритган ўз сиёсат моҳиятини ниқоблаш мақсадида «совет кишиси», «совет маданияти», «СССР – умумий уйимиз» каби сохта тушунчаларни миллий республикалар аҳолиси онгига сингдиришда халқларнинг маданий алоқаларидан самарали фойдаланиш тактикасини юритган<sup>21</sup>.

Совет ҳокимияти даврида, хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан мустақилликка қадар бўлган вақтда маданий алоқаларга доир амалга оширилган сиёсий тадбирлар муайян тарзда жамият ривожини учун ижобий ютуқлар бўлди ва тарих саҳифаларида ўзига хос мавқега эга бўлди. Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлари кўп миллатли Ўзбекистон билан Осиёдаги давлатлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва яқин қўшничилик алоқаларини олиб бориш учун катта имконият сифатида муҳим сиёсий-тарихий аҳамиятни касб этди<sup>22</sup>.

Ишда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан маданий алоқаларига коммунистик мафқуранинг кучли таъсири ва тазйиқи билан боғлиқ бошқа жиҳатлар ҳам ўрганилган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ўзининг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш имконига эга бўлишига қарамай, бунга тоталитар бошқарув тизими йўл қўймаганлиги, Иттифоқ иқтисодиётининг марказлашганлиги, режали-тақсимлаш сиёсатининг олиб борилганлиги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётига катта путур етказиб, бу ҳолат мамлакат маданий ҳаётига ҳам ўзининг жиддий таъсирини ўтказганлиги диссертацияда қайд этилади<sup>23</sup>. Ўзбекистон халқи коммунистик мафқура ҳукмрон бўлган даврда маънавий-руҳий соҳада оғир қийинчиликларга дучор бўлгани, халқаро маданий алоқалардаги бундай сиёсат мамлакатимизда давлат мустақиллигига эришгунга қадар давом этгани исботлаб берилган.

Шунингдек, диссертацияда миллий тарихимизни англаш борасида бўшлиқнинг пайдо бўлиши, халқимизнинг хорижий мамлакат халқлари билан маданий алоқаларни олиб бориш ҳуқуқининг поймол қилиниши ва бошқа кўплаб сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги совет ҳокимияти ва ундаги ҳукмрон мафқуранинг табиати билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Собиқ совет давлатининг амалга оширган маданий алоқалар негизида социалистик маданият ва ленинизм ғояларининг тарғиб этиш асосий мақсад

<sup>21</sup> Қаранг: Раева Т.В. Особенности институциональной организации советского миролюбия в эпоху холодной войны // Управление в современных системах. №4(11) 2016. С.56-60.

<sup>22</sup> Раҳмонов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент, 1984.; Оқилов К. Развитие культуры в Узбекистане за годы советской власти. – Ташкент, 1984.

<sup>23</sup> ЎзМДА, Р-837 фонд, 41-рўйхат, 7666-йиғма жилд, 36-37-варақлар.

бўлиб, бу фото ва китоблар кўргазмасида ҳам ўз ифодасини топган эди. Шунингдек театр, рақс ва кино санъатида ҳам мазкур мавзу долзарб аҳамият касб эта бошлаган. Масалан, 1953 йил 29 февралда «Чет эллар билан маданий алоқалар Ўзбекистон бўлими фаолиятини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ЎзССР Министрлар Кенгашининг қарорига кўра, чет мамлакатларда социалистик Ўзбекистон ютуқларини тарғиб этиш учун маданий алоқалар бўлимида бош муҳаррир, фотомухбирлар ва фотолабораториялар штатини кенгайтириш, ленинча коммунистик ғояларни ифодаловчи сиёсий плакатлар ишловчи рассомларни кенг миқёсда жалб этиш кўзда тутилган эди<sup>24</sup>.

Албатта, бу ҳолат XX асрнинг иккинчи ярмида СССРнинг халқаро муносабатларидаги асосий позицияси бўлиб, давлат томонидан маданий тадбирлар орқали социализм ютуқлари тарғиб этилди. Капиталистик мамлакатлар тарғиботиغا қарши тура оладиган давлат мафқураси асосида совет маданияти шакллантирилди. Қолаверса, 1932 йил 23 апрелда Максим Горький раислигида ташкил этилган СССР Ёзувчилар уюшмасида социалистик реализм методи совет адабиётида ягона услуб сифатида жорий қилинган эди<sup>25</sup>.

Бу даврда Осиё минтақасининг қатор мамлакатлари билан, асосан, Ўзбекистон миллий маданияти эмас, балки «советлаштирилган» маданият алмашинувини кузатиш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Таъкидлаш ўринлики, гарчи мураккаб шароитларда, иттифоқ тузилмалари орқали ва жиддий назорат остида бўлса ҳам, маданий тадбирларда Ўзбекистоннинг иштироки унинг жаҳон цивилизацияси ва умуминсоний маданиятини бойитишдаги ўрнини янгидан кашф этди. Халқлар ўртасида маданий алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришда биродарлашган шаҳарлар<sup>26</sup> ўртасида ўрнатилган кенг қамровли алоқалар ҳам муҳим роль ўйнади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистоннинг театр, кино ва халқаро кўргазмалардаги иштироки**» масаласига бағишланган бўлиб, унда юртимизнинг хорижий давлатлар билан театр, томоша санъати, кино, кўргазмалар соҳасидаги алоқалари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқ маълумотлар асосида очиб берилган. Ўзбекистонда театр санъатининг ўтмиши ва равнақи Осиё мамлакатлар театрлари билан бевосита боғлиқ экани алоҳида таҳлил қилинган. 1945-1991 йилларда Ўзбекистоннинг Осиёдаги кўплаб мамлакатлари билан ўрнатган маданий алоқалари кўпроқ театр кунлари, турли ҳафталиклар каби кўринишда амалга оширилди.

<sup>24</sup> ЎзМДА, Р-8317 фонд, 38-рўйхат, 8468-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>25</sup> Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 2-китоб (1795 – 1960 й.). – Тошкент: «O'zbekiston», 2015. – Б. 186.

<sup>26</sup> Максимов В.Б. Международные контакты городов СССР как часть внешней политики правительства // Вестник Волгоградского государственного университета. Сер. 4, Ист. 2012. № 2 (22). С.96-102.; Захаров Г.А. Начальный этап деятельности Ленинградского отделения Всесоюзного общества культурной связи с заграницей (1954–1955 годы) // Научно-технические ведомости СПб ГПУ. Гуманитарные и общественные науки. 2017. Т. 8, № 1. С. 9–18.; Трегубов Н.А. Государственный комитет по культурным связям с зарубежными странами как орган советской культурной дипломатии (1957-1967 гг.). // Управление в современных системах №4 (11) 2016. С.61-67.

Шуниси характерлики, Ўзбекистоннинг театр-томоша санъати соҳасидаги маданий алоқалари, асосан, XX аср 50-йилларининг биринчи ярмидан йўлга қўйилди. Осиё мамлакатлари билан олиб борилган маданий алоқалар силсиласида миллий маънавиятнинг кўзгуси ҳисобланган театр-томоша санъати катта қизиқиш уйғотган. Айниқса, 60-70 йилларда бу борадаги жараён анча фаоллашиб, жаҳон театр санъати доирасида ўзига хос мавқега эга бўлишга ҳам эришди<sup>27</sup>. Архив материаллари<sup>28</sup> ва даврий нашрлар<sup>29</sup> маълумотларидан кўринадики, театр-томоша санъати соҳасидаги халқаро гастрол томошалардан кўзланган асосий мақсад совет маданиятини тарғиб этишга қаратилган эди. Бу жараён алоқаларнинг ривожига ўзига хос аҳамият касб этади.

Сиёсий тазйиқ ва мафкуравий чекловларга қарамай, ўзбек санъат усталари сахна маҳоратининг энг юксак намуналарини хорижий мамлакатларда намойиш эта билдилар, халқлар ўртасидаги умуминсоний ва миллий маънавиятнинг энг гўзал жиҳатлари алмашинувига муваффақ бўлдилар. Қолаверса, жаҳон театр санъати соҳасида ўзига хос маҳорат мактабини кўрсата олдилар ва пировард натижада, театр санъати тарихида энг бетакрор, бой ижро услубларини ярата олдилар. Дунё театр санъати тарихида ўзбек сахна усталарининг маҳорат қирралари, услубий жиҳатлари халқаро маданий алоқалар воситасида кашф қилинди, ушбу даврда Иттифок таркибида бўлишига қарамай, мафкуравий қобиқни ёриб чиқиб, ўзбек сахна санъатининг «олтин даври» дунёга намойиш этилди. Театр-томоша санъати ўз мазмун ва моҳиятига кўра маданий алоқалар ривожига самарали таъсир этди.

Диссертацияда таъкидланганидек, Ўзбекистонда кино санъати соҳасидаги маданий алоқалар учта турда: халқаро кинофестиваллар, киношунослик ва киноасарлар алмашинуви ҳамда киноактёрлар ҳамкорлиги йўналишларида олиб борилди.

Илмий изланишлар натижасига қараганда, мазкур соҳа маданий алоқалари амалиётидаги асосий ўринни халқаро кинофестиваллар ташкил этган<sup>30</sup>. Аммо, шуниси таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро кинофестиваллар тадбирларига қадар ҳам кино санъати соҳасидаги маданий алоқалар киноасарлар алмашинуви, киноартистлар ҳамкорлиги шаклида амалга ошириб келинган. СССР Министрлар Совети Кинематография Давлат қўмитаси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография Давлат

<sup>27</sup> Маматхонов Н. СССРнинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқасида Ўзбекистоннинг ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. –Б. 23.

<sup>28</sup> ЎзМДА, Р-2661 фонд, 1-рўйхат, 388-йиғма жилд, 14-варақ, 453-йиғма жилд, 22-23 варақлар, 660-йиғма жилд, 5-7 варақлар, 187-йиғма жилд, 188-варақ, 212-варақ. Р-8317 фонд, 38-рўйхат, 8468-йиғма жилд, 5-7 варақлар. Р-2037 фонд, 6- рўйхат, 342-йиғма жилд, 31-варақ.

<sup>29</sup> Совет Ўзбекистони (1945-1991 йй.), Ўзбекистон маданияти (1950-1990 йй.), Совет Ўзбекистони санъати (1950-1990 йй.), Тошкент окшоми (1965-1980 йй.), Комсомолец Узбекистана (1970-1990 гг.), Ёш ленинчи (1979-1985 йй.), Комсомольская правда (1975-1985 гг.)

<sup>30</sup> Тинчлик ва дўстлик фестивали // Ўзбекистон маданияти, 1961 йил 29 август, 4-б.; Каримова М. Ўзбек кинематографчилари фестивалга // Ўзбекистон маданияти, 1976 йил 18 май, 2-б.; Тинчлик ва дўстлик рамзи. // Совет Ўзбекистони санъати. 1988 йил, 5-сон. 2-б.

қўмитаси, СССР ва Ўзбекистон Кинематографчилар союзи ташаббуси билан 1968 йилдан 1988 йилгача жами 10 марта Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестиваллари ташкил қилинган<sup>31</sup>.

Тадқиқ этилаётган даврдаги халқаро маданий алоқаларда ўзбек кино санъатининг ўрни ва моҳиятини муайян нисбатлар билан белгилаш асосида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– халқаро маданий алоқаларда санъатнинг бошқа турлари сингари кино санъатида ҳам маълум даражада миллийликни йўқотиш ва советлаштиришга, мустамлакачилик сиёсатининг мустаҳкамланиши ҳамда жаҳон мамлакатларига совет маданияти, совет турмуш тарзини ташвиқ этишга ҳаракат кучайди;

– кино санъати соҳасидаги маданий алоқалар, асосан, Тошкент кинофестивали орқали амалга оширилган. Фестивалда намойиш этилган фильмлар қаторида ўзбек кинофильмлари сонининг камлиги, қолаверса, кинофестивалнинг махсус совринлари Иттифоқнинг бошқа республикалари кинофильмларига берилгани ҳолда, ўзбек кинофильмларига деярли олий мукофотларнинг берилмагани ўзбек кино ижодкорларининг мазкур маданий тадбирда ташкилотчи ва иштирокчи бўлса ҳам, унинг манфаати совет тузуми шароитида иккинчи ўринга атайлаб суриб қўйилганлигини англатади;

– бу даврлар оралиғида кино санъати соҳасидаги маданий алоқалар натижасида Ўзбекистон Осиё мамлакатлари кинофильмлари бозорига айлантирилди, бу жараён ўзбек киносининг жаҳонга юз тутишига эмас, балки, Осиё минтақаси мамлакатлари киноижараси фаолияти учун бозор майдонига айлантирилди;

- ўзбек кинофильмлари «шаклан миллий, мазмунан социалистик» ғояларга бўйсундирилганига қарамай, бу даврда кино санъатининг энг ноёб иқтидорлари кашф этилди; сиёсий ва мафкуравий чекловларга қарамай, Осиё минтақаси халқларига ўзбек кинематографиясининг ютуқлари имкон даражасида намойиш этилди<sup>32</sup>. Қўлга киритилган ютуқлар энг аввало халқимизнинг, ўзбек санъаткорларининг фидоийлиги туфайли амалга ошди.

1945-1991 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро кўرғазмаларда асосий эътибор совет халқининг социалистик ютуқлари, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш, маданият ва санъат соҳаларида эришилган ютуқлар тарғиботига қаратилган. Айни пайтда, хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўрғазмаларда Ўзбекистоннинг иттифоқчи республикалар қаторида фаол иштирок этганлиги кўзга ташланади<sup>33</sup>.

<sup>31</sup> Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. 3-китоб (1961 – 2015 й.). –Тошкент: «O'zbekiston», 2015. –Б. 30.

<sup>32</sup> ЎзМДА, Р-2564 фонд, 1-рўйхат, 2395-йиғма жилд, 7-варақ.

<sup>33</sup> ЎзМДА, Р-2628 фонд, 1-рўйхат, 668 йиғма жилд, 51-55 варақлар. Киселев Г., Қаландаров С. Маданий ҳамкорликда янги поғона // Қизил Ўзбекистон. 1961 йил, 10 октябрь. 4-б.; Дубовицкий А. Информация об открытии выставки изобразительного и народного декоративного прикладного искусства Узбекистана, посвященной дням СССР в МНР.

Диссертацияда таъкидланадики, Иккинчи жаҳон урушидан то мустақиллик даврига қадар Осиё мамлакатлари билан ўтказилган халқаро кўргазмаларда: а) Ўзбекистон бевосита Иттифоқ таркибидаги республика сифатида қатнашди; б) халқаро кўргазмалар, тасвирий санъат, амалий безак санъати, фотокўргазмалар, қолаверса халқаро китоб кўргазмаси кўринишида социалистик турмуш тарзи, коммунистик ғоя ва мафқурани тарғиб этишга жалб этилди; в) совет даврида амалий санъат буюмларининг конвейер усулида ишлаб чиқарилишининг ихтисослаштирилишига қарамай, халқаро кўргазмаларда халқ усталарининг қўл меҳнати асосида яратилган ҳунармандчилик маҳсулотларининг намоиш этилиши мазкур қадимий санъат турининг сақланиб қолиши, ривожланиши ва келажак авлодга миллий орнаментининг етказиб берилишига имкон яратди; г) маданий алоқалар силсиласидаги халқаро кўргазмалар ягона ҳукмрон коммунистик мафкура ва совет тузуми таъсири остида «шаклан миллий, мазмунан социалистик» мақсадга бўйсундирилгани ва сиёсий чекловларга қарамай, ўзбек рассомлари, амалий санъат усталари ва бошқа маданият ходимлари халқимизнинг асрлар оша анъанага айланган миллий услубларини тасвирий ва амалий санъат намуналари орқали жаҳон мамлакатларига намоиш қилишга муваффақ бўлдилар. Шубҳасиз, бу маълум даражада Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқаларининг янгича ислоҳ этилишига муайян даражада замин ярата олди; д) сохта байналмилалчилик, «ўтмишда қоқок бўлган халқларни жаҳон цивилизациясига кўтариш» сиёсати, «совет маданияти», «шаклан миллий, мазмунан социалистик» ғоялари аслида совет маданиятини улуғлаш, бошқа халқлар, чунончи, ўзбек тасвирий ва амалий санъатининг миллий йўналишда ўсишини чеклашга қаратилган эди<sup>34</sup>.

Бундай ҳолатлар халқаро кўргазмаларда Ўзбекистоннинг иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши учун ягона ва бирдан-бир имконият Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш билан боғлиқдир. Чунки, ички ва ташқи сиёсатни мустақил юритувчи давлатда халқаро маданий алоқаларни эркин ва самарали олиб бориши учун тўлиқ имкониятлар мавжуд бўлади. Имкониятларнинг мавжудлиги эса ўз навбатида давлат ва унинг фуқароларидан юксак масъулиятни ҳамда жамият олдидаги мажбуриятни ҳамиша ҳис этиб яшашни тақозо этади.

Диссертациянинг **«Муסיқа, қўшиқчилик ва ракс санъати соҳасидаги ташқи алоқалар»** деб номланган учинчи бобида миллий маданиятнинг муҳим компонентлари – муסיқа ва қўшиқчилик санъатининг маданий алоқалардаги роли, ўрганилаётган даврда ташкил этилган маданият кунларининг миллий маданиятлар тарғиботидаги ўрни, ушбу жараёнларга коммунистик мафқуранинг таъсири каби масалалар ўрганилган. Шунингдек,

---

<sup>34</sup> ЎЗМДА, Р-2564 фонд, 1-рўйхат, 2395-йиғма жилд, 8-варак.

Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан халқаро маданий алоқаларида мусиқа ва кўшиқчилик санъатининг ўрни очиб берилган.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон мусиқа ва кўшиқчилик санъатида жиддий ўзгаришлар ва халқаро маданий алоқаларда унинг янги шакллари пайдо бўлди. Бу йилларда маданий-мафкуравий жабҳада бир-бирини жуда кескин, жиддий суръатда инкор этувчи қатор зиддиятли ҳолатлар юз берган. Ижтимоий-сиёсий соҳада буюк давлатчилик шовинизмининг авж олиши, ўзга миллатларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини пасайтириш, миллий ўзликни англаш жараёнларида бўғиб қўйиш ҳолатлари давом этган<sup>35</sup>.

Шу билан бирга, тадқиқотда таъкидланишича, совет давридаги сиёсий мафкуравий чекловларга қарамай, ўзбек мусиқашунослари ҳамда кўшиқчилик санъати усталари хорижий мамлакатларда ўзбек миллий кўшиқчилигининг том маънода йўқолиб кетмаслиги учун имкон даражасида ҳаракат қилиб, совет санъати фонида ўзбек кўшиқчилиги ва мусиқа санъатининг энг гўзал намуналарини хорижий мамлакатларга олиб чиқишга муваффақ бўлдилар, ўзбек санъатининг ўзига хос миллий жиҳатларини сақлаб қолишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбек миллий рақс санъатининг миллатлараро муносабатларнинг ривожланишига таъсири республикамиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ равишда ривожлангани ва такомиллашиб боргани, ўзбек профессионал рақсида «Баҳор», «Шодлик», «Лазги», «Гўзал» давлат ашула ва рақс ансамбллари сахнавий рақс анъана ҳамда тамойилларини давр талаблари даражасида тараққий этгани статистик маълумотлар ва архив ҳужжатлари асосида очиб берилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида маданий алмашинув тизимида рақс санъати сайқаллашиб, бирмунча такомиллашди. Хусусан, бу йилларда нафис санъатлар тизимидаги қатор жиддий ўзгаришлар ўзбек рақс санъати тадрижий такомилида ҳам давр талабига мос мазмун ва моҳият касб этди. Бинобарин, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, маданиятдаги трансформацион жараёнлар мамлакатда янгидан майдонга олиб чиқилган «совет санъати» байроғи остида амалга оширилди.

Бундай амалий-сиёсий ҳаракатлар натижалари ўлароқ, рақс санъати соҳасидаги халқаро маданий алоқаларда мазкур санъатнинг шакл ва жанр хусусиятларига мафкуравий тус берилди. Аммо бундай муайян мафкуравий чекловларга қарамай, Тамарахоним, М.Турғунбоева, Қ.Миркаримова, Қ.Дўстмуҳамедова, М.Аҳмедова, М.Эргашева сингари рақс усталари ўз даврида ўзбек санъатини жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари халқларига етказишга муносиб ҳиссаларини қўшдилар, улар томонидан ижро этилган рақслар маънавий-маданий меросимизнинг олтин фонди сифатида тан олинди<sup>36</sup>.

<sup>35</sup> Ҳамидов Ҳ. Ўзбек маънавий маданияти тарихи, шаклланиши ва тараққиёти муаммолари (Ўзбек анъанавий кўшиқчилиги тарихи мисолида.): Тарих фан. докт. ... дисс. ЎзРФА Тарих институти. – Тошкент, 1997. 295 б.

<sup>36</sup> ЎзР МДА, Р-2087 фонд, 1-рўйхат, 35- йиғма жилд, 76-варақ.

Диссертацияда таъкидланганидек, ўзбек рақс санъати усталари совет санъати қобиғида бўлишига қарамай, ўзбек мумтоз ва замонавий рақс санъатининг энг гўзал намуналарини хорижий мамлакатларга олиб чиқишга эришдилар. Бу ўша даврда катта жасорат бўлиб, улар ўзбек миллий рақс санъатини хорижий давлатларга таништиришга ҳаракат қилгани, унинг Осиё минтақасидаги ҳар бир мамлакатда ўз муносиб ўрнини топа олгани билан муҳим тарихий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Диссертацияда ўрганилган даврда ўтказилган маданият ҳафталикларининг бош мавзуси мафкуравий маъно касб этиб, унда социалистик ғоялар тарғиботига асосий эътибор қаратилгани исботлаб берилган. Масалан, Иттифоқ таркиби доирасида ўтказилган бундай маданий тадбирлар «Ўзбекистон маданияти кунлари» дейилган бўлса, чет элларда «Совет маданияти кунлари», «Совет маданияти ҳафталиги» сифатида намоён бўлган.

Шу билан бирга, Осиё мамлакатлари билан амалга оширилган маданият кунлари ўзбек санъаткорлари ва маданият ходимларининг жаҳон маданият дурдоналари билан танишуви, ўзаро маданий алмашинув жараёнида сезиларли бурилиш ясай олгани билан аҳамиятлидир. Бу борада тадқиқотда Ўзбекистоннинг Япония<sup>37</sup>, Мўғулистон<sup>38</sup>, Малайзия<sup>39</sup>, Хитой<sup>40</sup>, Ҳиндистон<sup>41</sup>, Вьетнам, Покистон<sup>42</sup> каби мамлакатлар билан маданий алоқаларига доир кўплаб мисоллар келтирилган. Турли давлатларда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларида ўзбек ва бошқа халқлар маданиятларининг ўзига хос қирралари, маҳорат сирлари борасидаги ижодий алмашинувлар маданий алоқалар тизимида таъсирчан воқеага айланган.

Илмий кузатишлар натижасига асосланиб шуни эътироф этиш ўринлики, мазкур маданий жараёндаги доимий сиёсий чекловларга қарамасдан, ўзбек маданияти ва санъати намоёндалари миллий маданиятимизнинг мазмун ва моҳиятини, унинг бошқа миллат адабиёти, санъати ва маданиятидан фарқ қилувчи ўзига хос муҳим жиҳатларини сақлаб қола олдилар.

---

<sup>37</sup> Советский Дальний Восток в сталинскую и постсталинскую эпохи: Сборник научных статей. Владивосток: ИИАЭ ДВО РАН, 2014. – 334 с.

<sup>38</sup> СССР – МНР: страницы братской дружбы. – М.: Наука, 1981. – 192 с.; Цыремпилов В.Б. Культурные и научные связи между МНР и приграничными республиками и областями РСФСР. – Улан-Удэ: Бурят. кн. изд-во, 1983. – 82 с.; Культурные и научные связи между СССР и МНР. – М.: Наука, 1981. – 269 с.

<sup>39</sup> Frederick C. Barghoorn. The Soviet cultural offensive: The role of cultural diplomacy in Soviet foreign policy, Westport, Conn.: Greenwood Press, 1976, 196 p.

<sup>40</sup> Приходько О.К. Советская культурная дипломатия в КНР: основные этапы, акторы, целевые группы // Управление в современных системах №3(10) 2016. С. 58-64.; Ганьшина Е.И. Российско-Китайское гуманитарное сотрудничество в 90-е гг. XX вв. // Вестник РУДН, Международные отношения, 2015, № 1. – С. 88-97.

<sup>41</sup> Severyan Dyakonov. Soviet cultural diplomacy in India, 1955-1963. Presented in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Master of Arts (History) at Concordia University Montreal, Quebec, Canada. April 2015. Unpublished thesis. – 90 p.

<sup>42</sup> Iqbal M., Falak Sher, Rehmat Ullah Awan and Khalid Javed. Economic and Cultural Relations Between Pakistan and the Soviet Union During Ayub Khan's Period // Pakistaniaat: A Journal of Pakistan Studies Vol.3, No.3 (2011); Hussain. Nazir. USSR-Pakistan relations: Lost Opportunities and Future Options // Journal of Political Studies. University of Punjab, 2012. Vol.19, Issue1, – P. 79-89.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Халқаро туризм ва спорт соҳасидаги алоқаларда Ўзбекистон маданиятининг уйғунлашуви» деб номланган ва унда республикада халқаро маданий алоқаларни кучайтиришда туризм ва спортнинг ўрни ҳамда аҳамияти атрофлича ёритилган.

Маълумотлар таҳлили Иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистонда ХХ аср 50-йилларидан бошлаб халқаро туризм соҳасидаги маданий алоқалар тизимида «экскурсия туризми» асосий ўринни эгаллаганидан далолат беради<sup>43</sup>. Туризм муайян мамлакатлар орасидаги халқаро маданий алоқаларнинг ривожланишида бирламчи омиллардан бири сифатида эътироф этилган<sup>44</sup>.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда чет мамлакатлар халқлари билан маданий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи махсус ижтимоий ташкилотни — чет эллар билан маданий алоқа қилиш Бутуниттифоқ жамияти Ўзбекистон бўлимининг тузилиши ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмнинг йўлга қўйилишини жадаллаштирди<sup>45</sup>. Бу ташкилот 1953 йилда чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилувчи жамиятининг Ўзбекистон бўлими (УзОКС)га айлантирилди. Шу даврдан Ўзбекистонга дунёнинг деярли барча мамлакатларидан хорижий туристлар ташрифи амалга оширила бошланди. Бу жараён бевосита Совет Иттифоқи иқтисодий барқарорлиги йўлида муҳим омил бўлибгина қолмай, балки коммунистик мафкураининг дунёга кенг ёйилишига ҳам хизмат қилди.

Бундай ҳолат Ўзбекистондаги тарихий обидаларни жаҳон мамлакатларининг диққатга сазовор нуқтаси сифатида халқаро туризмнинг ривожланиш манбаларидан бирига айлантирди. Айни пайтда, миллий маданиятни ривожлантиришга ва хорижий давлатлар билан маданий алоқаларни мустақил равишда ўрнатишга йўл қўйилмаганлигига қарамадан туризм, сайёҳлик ва экскурсия шаклларида олиб борилган тадбирлардан фойдаланиш жараёнида Ўзбекистонни жаҳон халқларига таништиришга ҳамда жаҳон халқларини эса Ўзбекистонга танитиш борасида хайрли ишларни амалга ошира олдилар.

Бу даврда Ўзбекистон спортининг халқаро маданий алоқалардаги ўрни барча хорижий мамлакатларда «совет спортчилари» сифатида эътироф этилди. Чунончи, мазкур жараён тарихий адабиётларда «социализмнинг ғалабаси натижасида юз берган тарихий ўзгаришлар, жаҳон социализм

<sup>43</sup> ЎзМДА Р-837 фонд, 37-рўйхат, 8464- йиғма жилд, 3-6 варақлар; ЎзМДА Р-837 фонд, 38-рўйхат, 8464-йиғма жилд, 6-варақ; ЎзМДА, Р-2753 фонд, 1-рўйхат, 34- йиғма жилд, 2-варақ.

<sup>44</sup> Багдасарян, В.Э. Советское зазеркалье. Иностраный туризм в СССР в 1930-1980-е годы. – М.: ФОРУМ, 2007. – С. 211-212.; Багдасарян В.Э. «Интурист» как идеологический актор холодной войны // Современные проблемы сервиса и туризма. Т. 10. № 4. 2016. – С. 63–70.; Путрик Ю.С. Иностраный туризм в СССР: отражение в научной и учебной литературе // Современные проблемы сервиса и туризма. Т.10. №4. 2016. – С. 96–101.

<sup>45</sup> Каранг: Федотова Л.Н. Иностраный турист как источник информации о СССР // Проблемы иностранного туризма в СССР. М., 1980. Вып.3.; Дворниченко В.В. Туристско-экскурсионное дело в СССР. М., 1985.; Долматов Г.М. Проблемы повышения общей эффективности иностранного туризма в СССР // Проблемы иностранного туризма в СССР. М., 1976.

тизимининг ташкил топиши ҳамда муштамлакачиликнинг емирилиши халқаро спорт ҳаракати ривожда ҳам ўзининг тўла ифодасини топди», деб шарҳланади<sup>46</sup>.

Спортни ривожлантириш орқали хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларни янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1948 йили «Ўзбекистон ССРда жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарор жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатларининг ривожланишига, чет мамлакатлар билан спорт алоқаларининг қайтадан қарор топиши ва ўсишига сабаб бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар чет элларда ўтказиладиган мусобақаларда СССР терма командаси таркибида қатнашиб, яхши натижаларни қўлга кирита бошладилар<sup>47</sup>. Жумладан, А.Алимов ва Э.Кондратьев (стендга отиш), С.Қурбонов (самбо), Р.Прокопенко (баскетбол), О.Руденко (камондан отиш), К.Фатхулин (классик кураш), М.Исмоилов (от спорти), А.Абдурахмонов (классик кураш), Г.Гамарюк (кураш), С.Диамидов (гимнастика), М.Колюшев (велотрек), Р.Казаков (классик кураш), В.Дуюнова (волейбол), Р.Рисқиев (бокс), С.Ҳодиев (классик кураш), С.Рўзиев (қиличбозлик) ва бошқалар жаҳон чемпионлари унвонига сазовор бўлдилар.

---

<sup>46</sup> Яроцкий А.И., Поддубный А.А. Ўзбекистоннинг халқаро спорт алоқалари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – Б. 5.

<sup>47</sup> Бу ҳақда қаранг: Sevet Akyildiz. Soviet Physical Culture in Uzbekistan: Implementation and Social Impact in Dave Day (Ed.) Sports and Coaching: Pasts and Futures. Manchester, Manchester Metropolitan University. 2012, (Chapter 6). – P.106-123.; Barbara Keys. Soviet Sport and Transnational Mass Culture in the 1930s // Journal of Contemporary History, Vol. 38, No. 3, Sport and Politics (Jul., 2003), – P. 413-434.

## ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари билан маданий алоқалари (1945-1991) мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида куйидаги **хулосалар**га келинди:

1. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари ўртасида 1945-1991 йилларда амалга оширилган кенг қамровли маданий алоқалардан совет давлати иккита мақсадни кўзлагани аниқланди: биринчидан, совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатида эришилган ютуқларни кенг тарғиб этиш, «совет халқи», «совет кишиси», «совет маданияти» ва «коммунистик мафкура» тушунчаларининг жамият тараққиётида тутаётган ўрни тўғрисида тарғибот-ташвиқот каби ишларни амалга оширишда ундан асосий восита сифатида фойдаланиш; иккинчидан, гўёки Иттифоқ таркибидаги миллий республикаларнинг ҳуқуқлари «чекланмаганлиги», аксинча совет давлати ҳимоясида миллий маданият тобора ривожланиб бораётганлиги тўғрисида хорижий мамлакатлар халқларида ижобий тасаввур уйғотишга эришишдан иборат эди.

2. Ўзбекистон маданияти ва унинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалари тарихий жиҳатдан ҳам кўп қиррали ва мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жаҳон маданиятининг таркибий қисми сифатида қардош халқлар маданияти билан ёнма-ён ривожланди. Ҳозирги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда.

3. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари ўртасида кенг қамровли маданий алоқалар биргина совет даврининг маҳсули бўлмай, балки жаҳон ҳамжамияти интеграцион жараёнларининг бир бўлаги сифатида азалий тарихий илдизларга эга бўлган халқаро муносабатлар ривожининг натижаси эканлигини ҳам эътироф этиш ўринлидир. Осиё минтақасидаги кўплаб мамлакатлар билан маданий алоқалар тарихининг турли даврларида илм-фан, адабиёт, санъат ривожини, моддий ва маънавий маданият ютуқларининг ўзаро алмашинуви сиёсий барқарорлик ва хавфсизликнинг таъминланиши орқали йўлга қўйилган. Инсониятнинг табиатан бир-бирига бўлган қизиқиши, интилишлари, эҳтиёжлари дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига сабаб бўлган.

4. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жамият маданий-маънавий ҳаётига «ривожланган социализм» ғояси сингдирилди ва бу коммунистик ғоя Осиё минтақасидаги мамлакатларга халқаро маданий алоқалар воситасида амалга оширилиб, кўзланган асосий мақсад социализм «афзалликлари»ни тарғиб қилишдан иборат эди. Шунга қарамасдан бу даврдаги халқаро маданий алоқалар «совуқ уруш» ҳолатини юмшатишда, халқаро тинчлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга муайян даражада ижобий таъсир этган. Амалда эса, Ўзбекистон халқаро майдонга мустақил равишда чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб, халқаро маданий алоқалар фақат Марказнинг қатъий назорати ва кўрсатмаларига бўйсундирилган ҳолда амалга оширилган. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон

халқининг манфаатлари ҳамма вақт иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган.

5. Айти пайтда, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги иштирокини бутунлай инкор қилиш ҳам хато бўлади. Бундай инкор мустабид тузум шароитида ҳам халқаро майдонда ўзини кўрсата олган, республиканинг обрў-эътиборини кўтаришга ҳаракат қилган ўзбек халқининг миллий интилишларини назар-писанд қилмаслик бўларди. Бинобарин, Ўзбекистон аҳолиси бу даврда халқаро алоқалар ўрнатишнинг тобора янги-янги шаклларини излаб топди.

6. Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари ўртасида кенг қамровли маданий алоқаларга ўша замон талабларидан туриб назар ташлаганда, шу нарса яққол кўзга ташланадики, ўзбек халқининг миллий руҳига хос бўлган ижодкорлик даҳоси, азалий инсонпарварлиги туфайли совет ҳокимияти йилларида ҳукумат томонидан сунъий қўйилган турли тўсиқларга қарамай, халқаро маданий алоқалари тажрибаси салмоқли ва яратувчанлик имкониятларига эга бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

7. Ўрганилаётган даврда спорт ва туризмнинг ривожига Ўзбекистон ўзининг муносиб хиссасини қўшган, яъни республикада туристик база, меҳмонхона, дам олиш масканлари тизими тараққий этиши бошланди. Бироқ СССР ҳамда хориж мамлакатларида ўтказилган турли мусобақаларда Ўзбекистонлик спортчилар «совет спортчилари» сифатида қатнашганлар. Айти вақтда республикада туристлар билан ишлаш учун кадрлар муаммоси тўлиқ ҳал қилинмаган, айтиқса маҳаллий кадрларни жалб қилиш ишлари суст кечган. Шунингдек, ўлкада туризм ва спорт соҳаларининг тараққий этиши учун кенг имкониятлар бўлса-да, ушбу тармоқларни жадал ривожлантириш учун етарлича шароитлар яратиб берилмаган ва мавжуд захиралардан тўлиқ фойдаланиш ишлари йўлга қўйилмаган.

8. Бу даврда турли мафкуравий чеклашлар ва маъмурий-буйруқбозликнинг кучайиши республика маданий ҳаётига кўп ҳолларда салбий таъсир этди. Натижада халқни миллий қадриятлар, маънавий меросдан бегоналаштириш, ўзбек тилини қўллашда камситиш ҳоллари рўй берди. Шунингдек, адабиёт ва санъат асарларида, радио ва телевидения, кино ва театр фаолиятида реал ҳаётдан чекиниш ҳоллари муайян даражада Ўзбекистоннинг ташқи маданий алоқаларига салбий таъсир кўрсатади. Гарчанд, деярли ярим аср мобайнида Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан халқаро маданий алоқаларини Иттифоқ тасарруфида, унинг мафкуравий андозалари ва кўрсатмалари асосида амалга оширилган ва социализм «ютуқлари»ни жаҳонга танитишга хизмат қилган бўлса-да, унинг заминида ўзбек халқининг буюк аждодлари, унинг илғор зиёлилари ва уларнинг ижодий ютуқлари ва кашфиётларининг ноёб намуналари ётар эди. Ана шу миллий намуналар мафкуравий чеклашларга ва миллат сифатида камситишларга қарамасдан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ўзбек халқи ва унинг миллий маданиятини дунёга танитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

9. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан, бугунги кунда республикамизнинг ташқи сиёсатида хорижий мамлакатлар билан маданий алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ва Осиёдаги мамлакатлар ўртасида 1945-1991 йилларда амалга оширилган кенг қамровли маданий алоқалар жараёнида қўлга киритилган ижобий тажрибалар ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

10. Дунё халқлари ва давлатлари ўртасида маданий алоқалар алмашинуви умуминсоний маданият – барча халқлар маданиятининг ўзаро алоқаси ва синтезлашувига имкон яратиб бериши бу соҳанинг асосий қонунларидан биридир. Ҳукмрон мафкура чекловларига қарамай, тадқиқ этилган даврдаги ушбу таъсир ва акс таъсир жараёни ўзбек халқи маданиятини оламга танитиш ва халқимизнинг жаҳон маданий ютуқларидан баҳраманд бўлиши учун қулай имкониятларни вужудга келтирди.

11. Ўзаро ҳамкорликсиз инсоният ҳаётининг бирор соҳасида муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Шу маънода, диссертацияда ўрганилган даврда, Ўзбекистоннинг маълум даражада ташқи дунё билан маданий алоқаларининг йўлга қўйилиши, бир томондан, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар моҳиятини англаши, турли мамлакатлар маданияти, анъаналари ва урф-одатларига холис муносабатда бўлиш туйғуси мустаҳкамланишига хизмат қилди. Иккинчидан, бу серқирра жараён халқимизнинг бутун дунёга ўзлигини намоён қилиш, юртимизга хос маданият намуналарини жаҳонга танитиш имконини яратди. Мазкур жараённинг энг муҳим ижтимоий моҳияти, тарихий қадр-қиммати ва бугунги кун учун аҳамияти ҳам ана шундадир.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларини янада такомиллаштириш бўйича қатор **таклиф ва тавсиялар** берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

– ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтириш, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида дунё давлатлари билан тизимли маданий алоқаларни ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (халқаро туризм, халқаро ёзги мактаб, ёшлар экскурсиясини ташкил қилиш ва б.) мақсадга мувофиқ;

– ёшлар қалби ва онгига миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, радикализм ва экстремистик ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган халқаро-маданий тадбирлар ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш (муסיқа фестивали, халқаро китобхонлик кунлари, миллий қўшиқчилик байрами ва б.) зарур;

- халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи маданий жараёнларни маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан фаолиятнинг асосий вазифа ҳамда йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш (мактаблар, олий таълим муассасалари, музейлар, кутубхоналар ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигини таъминлаш) лозим;

- давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш (халқаро конференциялар, ўзбек хунарманд усталарининг ишланмаларини халқаро кўргазмаси намойиши, ёшлар ўртасида миллий қўшиқчилик мусобақаси, Наврўз халқаро фестивалини ташкил этиш ва ҳ.к.) керак;

- Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари кинофестивалини қайтадан, янги мазмунда тиклаш ҳамда ўзаро ҳамкорликда фильмлар яратишни йўлга қўйиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА, КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ЭРНАЗАРОВ ФАЙЗУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА СО СТРАНАМИ АЗИИ  
(1945 – 1991 гг.)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ  
докторской диссертации (DSc) по историческим наукам**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1. DSc / Tar105.**

Диссертация выполнена в Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, анлийский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (<http://ik-tarix.nuu.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Хамидов Хожиакбар</b> доктор исторических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Раджабов Кахрамон Кенджаевич</b> доктор исторических наук, профессор <b>Ишанходжаева Замира Раимовна</b> доктор исторических наук <b>Эргашева Юлдуз Алимовна</b> доктор исторических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный институт востоковедения</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 27.06.2017. Tar.01.04 при Национальном университете Узбекистана, Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание, 2 этаж, зал заседаний. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21; (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Национальный университет Узбекистана).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за №\_\_\_). (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, 4. Главное здание).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года)

**А.А. Маврулов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней д.и.н., профессор

**Х.Э. Юнусова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней д.и.н.

**Г.А. Агзамова**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней д.и.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Культурное сотрудничество считается одной из самых важных, составных частей международных отношений и служит укреплению взаимоуважения, равноправия и содружества между государствами. Культурные связи оказывают существенное влияние на разрешение противоречий и противостояний, возникающих в различных регионах стремительно меняющегося современного мира. Они действуют как важный механизм, для сохранения безопасности человечества, взаимного обмена мнениями, возникновения новых идей и открытий, создания обстановки толерантности, объединения культуры народов мира и обеспечения устойчивого развития мировой цивилизации.

В истории международных культурных связей Узбекистан выполнял функцию столицы, где объединялись различные культуры и цивилизации, царили мир и дружба. Узбекская культура, занимая особое место в мировом культурном наследии, на разных этапах исторического развития проводила эффективное взаимное сотрудничество со странами, расположенными на Азиатском материке. Во второй половине XX века Узбекистан, вовлечённый в международные политические отношения, на основе принципов «советской культуры» выполнял задачи пропаганды советской идеологии за рубежом. Организация международных выставок и дней культуры в сфере театра, кино, танцевального, песенного, музыкального искусства, спорта, туризма служила укреплению не только политических связей, но и ещё большему развитию международного сотрудничества и укреплению культурно-просветительских связей. Справедливо отмечается общепризнанное уникальное место Узбекистана в данном контексте.

С первых дней обретения независимости Узбекистан обрёл возможность установления свободных, без всяких ограничений равноправных связей в международных отношениях, с учётом национальных интересов нашей страны. Вместе с тем, следует отметить положительные реформы, проводимые правительством Республики Узбекистана в целях дальнейшего развития сотрудничества в культурно-гуманитарной сфере и другими государствами мира<sup>1</sup>. Изучение исторического опыта и вклада Узбекистана в данной сфере представляет особое значение. В этом отношении изучение интересов Узбекистана в истории культурных связей Узбекистана со странами Азии считается одной из актуальных задач. Как говорил Президент Республика Узбекистана, ...не знающий древнюю историю, богатую культуру, национальные ценности узбекского народа, заботы и чаяния своих

---

<sup>1</sup> Этот вопрос отдельно рассмотрен в приложении №1 четвёртого направления под названием «Развитие социальной сферы» Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах и пятого направления под названием «Обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики». Указ Президента Республики Узбекистан за № 4947 от 7 февраля 2017 года. См.: <http://strategy.regulation.gov.uz>

соотечественников, не любящий всем сердцем свою Родину, не может прославить ее во всем мире<sup>2</sup>.

Настоящая диссертация вносит определённый вклад в выполнение задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2778 от 15 февраля 2017 года «Об организации деятельности Министерства культуры Республики Узбекистан», «О дополнительных мерах по развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства» ПП-3022 от 31 мая 2017 года, «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию деятельности Государственной консерватории Узбекистана» ПП-3178 от 8 августа 2017 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности организаций культуры и искусства, творческих союзов и средств массовой информации, созданию дополнительных условий по стимулированию труда работников сферы» ПП-3201 от 14 августа 2017 года, «Об организации деятельности Союза композиторов Узбекистана» ПП-3212 от 15 августа 2017 года «О дополнительных мерах по развитию и дальнейшему совершенствованию деятельности Академии художеств Узбекистана» ПП-3219 от 16 августа 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах о международных культурных связях Узбекистана.

**Связь исследования с приоритетными направлениями науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**<sup>3</sup> Политика в международных отношениях бывшего Советского Союза, в частности, культурные и дипломатические отношения со странами азиатского материка, в особенности, взаимное сотрудничество в сфере музыки, кино, спорта, искусства является предметом исследований таких ведущих научно-исследовательских центров и высших учебных заведений, как Институт исследований азиатской культуры (Asian Cultures Research Institute), Институт изучения азиатской культуры при Международном христианском университете (Institute of Asian Cultural Studies at the International Christian University), Институт изучения культуры и языков Азии и Африки при Токийском университете иностранных языков (Research Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa at the Tokyo University of Foreign Studies), Институт азиатской культуры и развития (Institute of Asian Culture and Development), Институт исследования азиатской культуры (Asia Culture Research Institute, Южная Корея), Международный научный центр имени Вудро Вильсона в Вашингтоне (Woodrow Wilson International center for

---

<sup>2</sup> Выступление Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на совещании, посвященном деятельности Министерства иностранных дел и посольств нашей страны за рубежом Народное слово 2018 г. 13 январь.

<sup>3</sup> <https://www.wilsoncenter.org/>, <https://www.ucis.pitt.edu/>, <https://www.toyo.ac.jp/site/acri/>, <http://crcas-areastudies.in/areastudies/>, <http://fsi.stanford.edu/>, <http://www.iacd.or.kr/>, <http://subsite.icu.ac.jp/research/iacs-en/>, <http://www.iaas.msu.ru/index.php/ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <http://www.uzhistory.uz/>, <http://www.ifes-ras.ru/>, <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://www.soas.ac.uk/>, <https://www.cambridge-centralasia.org/>, <https://www.oeaw.ac.at/iran/>, <https://www.gwu.edu/>, <https://uzhistory/uz>

scholars, Washington), Стэнфордский ведущий исследовательский университет по изучению международных отношений (Stanford Universities premier research institute for the study of International Affairs, USA), Центр международных исследований в университете Питсбурга (Center for International Studies University of Pittsburgh), Центра изучения России и стран Центральной Азии Школы международных исследований Университета Джавахарлала Неру в Индии (Central Asian Studies, School of International Studies, Jawaharlal Nehru University), Институт Востоковедения Российской Академии наук, а также Институт изучения Азии и Африки при Московском государственном университете.

Анализ исследований, проводимых исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями мира показал, что на основе изучения истории культурных связей Узбекистана со странами Азии в 1945-1991 годах были сделаны следующие научные выводы: раскрыты процессы деформации культуры народов Узбекистана под влиянием правящей советской идеологии в сфере музыки, литературы, образования (The School of Oriental and African Studies (SOAS) University of Cambridge, Англия); освещено отношение советской администрации к изменениям в культурной жизни народов Центральной Азии, в том числе и Узбекистана, а также проведено сопоставление истинного положения национальных культур в условиях идеологического давления в период советской власти (Institute of European, Russian and Eurasian studies (IERES), США); научно обосновано негативное влияние советской атеистической политики на духовную жизнь народов Узбекистана и изменения, происходившие в общественном сознании (Austrian Academy of Sciences Institute of Iranian Studies, Австрия).

На сегодняшний день проводятся исследования посвящённые истории международных культурных связей республик бывшего СССР, в частности, по следующим приоритетным направлениям: изучение современной человеческой цивилизации и тенденций роста влияния на неё культурных факторов с глобальной и региональной точек зрения; анализ путей и возможностей усовершенствования эффективного механизма дальнейшего повышения места и значения Узбекистана в развитии культуры Азии; раскрытие положительного влияния социально-экономических факторов, которые служат дальнейшему развитию культурных процессов и международных связей в этой отрасли, в свете проводимых в настоящее время в стране коренных реформ.

**Степень изученности проблемы.** Вопросы международных отношений, в том числе история культурных связей Узбекистана, как важный социально-политический сектор регулярно привлекают внимание учёных-историков, культуроведов, этнографов и других учёных-обществоведов. Литература, непосредственно или опосредственно связанная с некоторыми сторонами исследуемой темы, а также имеющая общетеоретическое концептуальное значение с историографической точки зрения была условно разделена на две нижеприведённые группы. Согласно этому мы выделили их научную литературу созданную в годы советской власти и на исследования,

проведенные в годы независимости. Следует отдельно отметить, что в основе этих исследований лежит создание 4 ноября 1943 года Института Истории и археологии АН Узбекистана при Институте языковедения, литературы и истории филиала Узбекистана АН СССР, в том числе Академии Наук Узбекской ССР (с 1970 года Институт Истории)<sup>4</sup>.

